

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ФАЛСАФА ФАКУЛЬТЕТИ
ФАЛСАФА ТАРИХИ ВА МАНТИҚ КАФЕДРАСИ**

РЕФЕРАТ

**Мавзу: КАРЛ ГУСТАВ ЮНГНИНГ ИНСОН
ФАЛСАФАСИ**

**Бажарди: А.Музаффаров – “Фалсафа тарихи”
мутахассислиги 1 курс магистри.**

ТОШКЕНТ - 2012

М У Н Д А Р И Ж А

| | | |
|----------|---|-----------|
| | Кириш | 3 |
| 1 | Карл Юнг қарашларининг фалсафий негизлари..... | 4 |
| 2 | Карл Юнгнинг ижоди ва “таҳлилий руҳият” концепцияси..... | 16 |
| 3 | Карл Юнг таълимотида шарқ маданиятининг иррационал талқини ва унинг ғарб маданияти билан муштараклиги..... | 19 |
| | Хулоса | 26 |
| | Фойдаланилган адабиётлар рўйхати..... | 28 |

КИРИШ

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиб, янги ривожланиш йўлига кирганига ўн саккиз йилдан ошди. Бу давр нисбатан қисқа вақтни ўз ичига олсада жумҳурият ҳаётининг турли соҳаларида улкан ўзгаришлар юз берди. Биз учун анъанавий бўлиб қолган иқтисодий-сиёсий, маънавий турмушнинг йўналишлари ўз оқимини ўзгартира бошлади, ҳатто таърифлар, тушунчаларга ҳам янги замонанинг кескин тўлқинлари, янгиликлари ўз таъсирини кўрсатмоқда, олдинги тасаввурлар аста-секин янги ахборотлар, билимларга ўз ўрнини бўшатиб бермоқда. Бу янгиланишлар инсон билими олдидаги янги-янги талабларни қўймоқдаки, улар ақлий ва амалий фаолият учун янги вазифаларни келтириб чиқармоқда. Дарҳақиқат, Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек: «Биз бир нарсани яхши англаб олишимиз керакки, умумий ва махсус билимларга эга, онгли, тафаккури, ҳар хил «измлар»дан озод, замонавий дунёқараш, миллий ва умуминсоний қадриятларга ворис бўлган инсонларгина фуқаролик жамиятини барпо этишга ва уни янада такомиллаштиришга қодир бўлади.

Бутун халқаро ҳаёт, кишилик тараққиёти шундай босқичга кирганки, энди унда ҳарбий қудрат эмас, балки интеллектуал салоҳият, ақл-идрок, фикр, илғор технологиялар ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Амир Темур бобомизнинг ««Куч - адолатда» деган машҳур таъбирини бугунги кунга нисбатан қўллаб айтадиган бўлсак, мен унга қўшимча қилиб «Куч – билим ва тафаккурда» деган бўлардим. Келгуси асрда бу тамойил янада кучаяди ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини қамраб олади. Бинобарин, халқаро майдонда биз бошқа мамлакатлар билан соғлом фикр мусобақасига, ижодий рақобатга киришмоғимиз лозим бўлади. Бизнинг келажагимиз мана шу мусобақа ва рақобатга қай даражада бардош бера олишимизга боғлиқ. Ўйлайманки, бунинг учун миллатимизнинг салоҳияти ҳам, ақл-заковати ҳам етарли»¹.

1. Карл Юнг қарашларининг фалсафий негизлари

К.Юнг узоқ, ижодий бой бўлган ҳаёт йўлини босиб ўтади. Кенг билимга, ўткир хотирага, бир қанча тилларни билиши, кўп қиррали илмий қизиқишларга эгаллиги олимнинг тадқиқот имкониятлари чегараларини кенгайтирди. Унинг ўн етти жилддан ортиқ асарлари, шахсий руҳий тадқиқотлари билан бир қаторда фалсафа, дин, афсона, алкимё, астрология, маданият тарихининг кўп жиҳатларига бағишланган. “Менинг тасаввуримда, - деб ёзади К.Юнг, - қатъий фан чегарасида ишлаётгандайман, далилларни тўплайман, кузатаман, таснифлайман, сабабий ва функционал алоқаларни шарҳлайман. Шундай хулосага келаманки, табиий билимлар чегарасидан чиқиб кетувчи чуқур мулоҳазалар калавасига ўралиб қолгандай бўламан ва фалсафа, илоҳиёт,

¹ Каримов И.А. Жамиятимиз мафкураси халқни – халқ, миллатни - миллат қилишга хизмат этсин. –Т.: Ўзбекистон, 1998. Б. 9.

қиёсий диншунослик ва бутунлай гуманитар фанлар соҳаларига ўтиб кетаман”².

Шундай қилиб, Карл Юнг ўз назарий қарашларида амалий клиника тажрибаларига ҳамда ўтган давр фалсафасига таянади. Шу нарса маълумки, у Фрейдга нисбатан ғарб фалсафаси билан кўпроқ таниш бўлган, бундан ташқари шарқ фалсафаси, айниқса, даосизм ва буддизм билан жуда қизиққан, чуқур таҳлилий хулосалар чиқарган. Олимнинг таъкидига кўра, унинг дунёқарашида фалсафа катта ўринни эгаллайди. Айниқса, унга Афлотун, И.Кант, А.Шопенгауэр, Э.Гартман ва Ф.Ницше таълимотларининг таъсири кучли бўлган³. Лекин шундай бўлса ҳам Фрейд ғояларини танқидий кўриб чиқишга - клиник амалиёти мажбур қилди.

Юнг ва Фрейд ўртасидаги зиддият руҳий даражалар тузилмасида онгсизлик ва онглилик муносабатларини турлича тушунишларидан пайдо бўлди. 3. Фрейд ўз таълимотида онглилик ва онгсизлик ўртасидаги узилишни тиклашга қурби етмаган эди: уларни икки мустақил моҳият сифатида кўрган эди. Юнг фрейдча ёндашувни методологик чекланганлигини енгиб ўтишга ҳаракат қилади, соф ички руҳий муаммо чегарасидан чиқишга интилади. Инсон юриш-туришининг объектив ва субъектив омилларига, онг ва онгсизликнинг ўзаро муносабатларига янгича ёндашишга уринади. Ўзининг таҳлилий психология таълимотини янада чуқур талқин қила боради.

XIX аср охирларида немис психологлари Ф.Ланге, кейинчалик И.Мюллер ва О.Шуманнинг фикрига кўра, инсондаги бир хил ҳаракатларнинг кўп маротаба қайтарилиши натижасида унда муайян кўникма ҳосил бўлади. Бу кўникма орқали конкрет ташқи таъсир қабул қилинади ва жавоб қайтарилади. Ф.Эббинггауз шахсдаги кўникмани индивиднинг одатий ҳаракатни амалга оширишда содир бўладиган руҳий ҳолати билан солиштиради. Худди шундай Юнг ҳам, кўникма деганда, муайян йўналишдаги руҳиятнинг ҳаракатини ва унга жавобни тушунган. Кўникма тушунчаси инсон руҳий ҳолатининг мураккаб ички ҳодисаларини ошкор қилиш учун жуда зарур ҳисобланади. Бунинг таъсирида хулқнинг муайян типни вужудга келади.

Шахсдаги кўникма (установка) тушунчасини киритиш билан инсонни ҳаракатга чорловчи фаолиятда руҳий таҳлилий нуқтаи назардан нима ўзгаради? Аввалам бор, классик руҳий таҳлилдаги индивиднинг онгсиз фаолиятини хирсий шартланганлиги танқид остига олинди. Юнгнинг фикрига кўра, гап харсийликда эмас, балки ҳар қандай фаолият бўйсунган кўникмададир, - дейди. Бундан ташқари, швециялик руҳшунос кўникма ёрдамида онг билан онгсизлик ўртасида зиддият йўқлигини, аксинча, улар бир-бирини тақозо қилишини кўрсатиб беришга уринади. Бу ҳолатни асослаб, олим онгсиз ва онгли кўникмани фарқлайди. Бундай иккиланганлик руҳиятнинг функционал мувозанати ўрнини қоплайди

² Jung C.G. The Spirit of Psychology // In: Spirit and Nature. –L. 1955. –P. 426.

³ Jung C.G. Letters. Selected and ed. by G. Adler in collab with A. Jaffe. Vol. 2. –New Jersey, 1975. –P. 500-501.

(компенсация қилади): яъни онгсизлик фаолияти онгли кўникмани мувозанатлаштиради, онг фаолияти эса аксинча, онгсиз кўникмани мувозанатини сақлайди. “Мен махсус “ўрин қопловчи (компенсатор)” сўзини, қўллайман, “карама-қаршилиқ” сўзини эмас, - деб ёзади Юнг, - чунки онг ва онгсизлик доим оппозицияда бўлавермайди, аксинча, улар бир-бирини тўлдиради. Биргаликда улар яхлитликни ташкил қилади. Мазкур яхлитлик ўзликни намоён этади”⁴. Ўзлик бизнингча, шахснинг яхлит ғоя ва мафкурага эга бўлишини таъминлайди. Чунки ўзлик, шарқ фалсафасида К. Юнг ўйлаган кўникманинг яхлитлигини ташкил этади.

Кўникма (установка) муаммосини таҳлил қила туриб Юнг, инсон муайян шаклланган аниқ ҳаракатларни амалга ошириш учун объектив ва субъектив омилларни инобатга олишга интилади. Рухиятга жиддий таъсир қилувчи бундай омилларга, олим инсоннинг туғма хислатларини, фазилатларини, тарбия жараёнида олган кўникмаларини, ижтимоий муҳитнинг таъсирини, шахсий-индивидуал фикрини ва жамоавий тасаввурларини киритади. Юнг фикрича, бундай омиллар инсоннинг *умумий кўникмасини* аниқлайди ва бу ўз ўрнида рухиятнинг турли функцияларидаги ўзаро муносабатининг ўзгаришига олиб келади.

Умумий кўникма билан бир қаторда Юнг, экстраверт (ташқи), интраверт (ички) кўникмалар ҳақида ҳам гапиради⁵. Бу уни шахснинг психологик типларини таснифлашга олиб келади. Шахсни типларга ажратиш эҳтиёжи Юнгга қадар шаклланган эди. Ф.Бэкон ўз даврида, “инсон характерларини аниқ ва моҳирлик билан ўзига хос томонини ҳамда умумийлигини ажратиш зарур, бу ҳар бир индивидуал иқтидор ва кўникмалар сирини очишга ёрдам беради. Ана шу билим асосида қалб давоси муолажасини тўғри танлаб олиш мумкин”⁶, - деган эди.

Назарий жиҳатдан ташқи шарт-шароит ва ички мойиллик, Юнг фикрига кўра экстравертлик ва интравертлик механизмлари ҳаракатига бир хил таъсир кўрсатади. Амалиётда эса ички ва ташқи вазият одатда механизмлардан бирига мойиллик туғдиради, иккинчисини эса чеклайди. Натижада тарозининг бир палласи оғирлашади ва одатий типик кўникма шаклланади. Инсон хулқи, қизиқишлари кўпроқ ташқи объектлар билан шартланган бўлади ёки унинг ички субъектив одатларига боғланади. Ана шу *типик кўникма* руҳий типлар таснифи асосида ётади.

Шундай қилиб, Юнг кўникма масаласини таҳлил қилганда учта аҳамиятли умумназарий жиҳатини кўрсатади.

Биринчидан, кўникма тушунчаси таҳлилий психологиянинг назарий концепциясига кириб кетади. Мазкур тушунча орқали Юнг онгсизлик табиатини, яъни онг билан онгсизлик ўртасидаги ўзаро таъсирини, инсон хулқи омилларини, шахснинг психологик типларини, рухиятининг ташкилий даражаларини тушунтиришга ҳаракат қилади. Кўникма воситасида инсон маданий ҳаётининг ҳодисалари ҳам ўрганилади:

⁴ Jung C.G. Two Essays on Analytical Psychology. –P. 186.

⁵ Юнг. К.Г. Психологические типы. –М., 1982. –С. 14, 66.

⁶ Бэкон Ф. Соч. В двух томах. Т. 1. –М., 1971. –С. 425.

ижодкорлик фаолияти ички кўникмалар билан солиштирилади, улар “ижодий” хусусиятга эга бўлади. Дин ҳам ўзига хос руҳий кўникма сифатида тушунилади ва у ташқи, ички дунёга монанд бўлиб мослашади.

Иккинчидан, “кўникма” тушунчасини киритиш билан Юнг инсоний руҳият детерминантлари чегараларини кенгайтиришга ҳаракат қилади. Классик руҳий таҳлилда ички руҳий жараёнлар йўналиши сабабини аниқлаш фақат онгсизлик ёрдамида амалга оширилган. Яъни, ҳар қандай руҳий ҳаракат фақат ва асосан бошқа даражадаги руҳий ҳаракат орқали тушунтирилган. Таҳлилий психологияда эса кўникма тушунчаси орқали объектив, ташқи шарт-шароит билан, инсоннинг субъектив ички одатларидаги ўзаро алоқасини аниқлаш имконияти туғилади. Зотан, юнгча кўникма талқини XIX аср психологларининг қарашларидан бир мунча фарқланган. Гап шундаки, ўша давр экспериментал психологиясида кўникма индивидуал-шахсий, ички изтиробланиш даражаси билан солиштирилган, яъни инсон руҳиятининг ички субъектив детерминантлари устуворлик қилган. Юнг инсон ҳаракатининг ички йўналишини инкор этмаган ҳолда ташқи вазиятга ҳам диққатини қаратади. Бунда руҳиятнинг маълум йўналишдаги ҳаракати аниқланади. Зеро, олим ана шу объектив асосни ҳар қанақасига тасдиқлайди. Бунда у ўз таълимотини индивидуал психологияга асосланган руҳият таҳлилидан фарқини кўрсатади.

Ҳақиқатдан ҳам фақат онгсизликка урғу берилиши шунга олиб келдики, тадқиқот объекти (мижоз, кузатувчи) муолажа жараёнида онгли равишда қатнаша олмасди: ҳаммаси руҳий таҳлилчининг, кузатувчининг ихтиёрида эди. Кўникма психологияси эса бу манзарани ўзгартирди, чунки бу ерда ташқи - объектив вазият ҳам инобатга олинди. Таҳлилнинг асоси учун эса тенг равишда кузатилувчи ва кузатувчининг онгли иштироки (психологияси) олинди. Юнгнинг фикрига кўра, ўз назарий концепциясини “индивидуалнинг субъектив онгли психологиясига” асослайди, чунки шунга кўра муайян объектив таянч ҳосил бўлади. Бу онгсизликнинг психологик қонуниятини асослаганда қўл келади”⁷.

Учинчидан, ҳақиқатдан ҳам Юнг кўникма тушунчасини талқин қилишида инсон руҳиятини аниқловчи омилларнинг объектив ва субъектив жиҳатлари инобатга олинади. Шу аснода таҳлилий психологиянинг объектив асослари ҳақидаги Юнг таъкидига қўшилиш мумкин. Лекин олимнинг ўйлари, мақсади оқибат – натижа билан мос тушмайди. Унинг назарий ва амалий ишлари ўртасида зиддият учрайди. Шу нуқтаи назардан юнгча кўникма психологияси бутунлай ўзгача тус олади. Юнг интилган нарсанинг акси бўлиб чиқади.

Муайян ҳаракатларни амалга оширишда объектив вазият ва инсоннинг субъектив омилларини кўра туриб, Юнг индивиднинг умумий кўникмасига айнан субъектив омил кўпроқ таъсир қилади, деб ҳисоблайди. Ўзгаришларга мойил бўлган объектив омилга нисбатан, доим ўз-ўзига монанд бўлган субъектив омил ташқи субъектларга қараганда кўпроқ

⁷ Юнг К.Г. Психологические типы. –С. 42.

асосга эгадир. Бундан ташқари Юнгга кўра, дунё ўз-ўзи учун мавжуд бўла олмайди, у объектив реаллик сифатида бўла олмайди, аксинча инсон уни қандай қабул қилса шундай бўлади. Субъектдан ташқарида объект йўқ, дунё фақат субъект мавжуд бўлгани учун ҳам бор бўлади.

Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, кўникма психологиясида субъектив одатлар (предрасположенность) аниқловчи аҳамият касб этади. “Ҳал қилувчи ролни, - деб таъкидлайди Юнг, - реалликни ҳис қилиш эмас, балки субъектив омилнинг реаллиги ўйнайди. Айнан, илк таассуротлар йиғилиб руҳий дунё кўзгусида намоён бўлади”⁸. Шундай қилиб, Юнгнинг таҳлилий психологияси инсон руҳияти қонуниятларини объектив ўрганишга даъват этади, айнан шу позициядан туриб руҳият таҳлилининг субъективизмига қарши чиққандай бўлади, аслида эса субъектив омиллар ва онгсизликка йўналтирилган бўлиб, Фрейд таълимотидан унчалик ҳам узокқа кетмайди.

Дарҳақиқат, хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, ўзининг дастлабки мулоҳазаларидан узоклашишни истамаган ҳолда, юнгнинг кўникма психологияси ёрдамида ички руҳий онгсизлик чегарасидан чиқиб шуни тан оладикки, кўникма субъектнинг ўзига хос ҳолати бўлиб, инсонда объектив вазиятнинг таъсири жараёнида шаклланади: субъектнинг ички кечинмалари, унинг кейинги ҳаёти ва хулқий ўзини тутиши ана шу кўникма томонидан шартланган бўлиб, унга нисбатан бирламчи аҳамият касб этади. Объектга нисбатан эса иккиламчи хусусиятга эга. Лекин ана шу зарурий ва аҳамиятга молик масалани ҳал қилишда Юнг шундай қарашни эгаллайдики, **бир** томонда, инсон руҳияти детерминантларининг мазмуни очилади, **иккинчи томондан**, у Зигмунд Фрейд қарашларидан унчалик узоклашиб кетолмаган.

Онгсиз жараёнларнинг мазмун ва моҳиятини очишга интилиб Юнг, Фрейд сингари онгсизлик тимсолига ўз диққатини қаратади, унингча тимсоллар масаласи бошқача кўринишда намоён бўлади. Фрейддан фарқли равишда, яъни “У” онгсизлик тимсолида кўпроқ хирсийликни кўрган бўлса, “У” ҳам янада кенгроқ маънода талқин қилади. Бундан ташқари, руҳият таҳлили асосчиси учун тимсол – онгсизликнинг ўзига хос белгиси бўлиб, махсус ечимни талаб қилса, Юнг таъбирига кўра, онгсизликнинг тимсолий функцияси инсоният психикасининг зарурий топилмаси бўлиб, унинг ўзи табиатан тимсолий шаклга эгадир. Шундан Юнг онгсизликни талқин қилишда бошқача услубдан фойдаланади.

Онгсизлик маҳсулини қайта ишлаб чикувчи руҳий таҳлилий услубга қарши (яъни, “У” редуктив деб аталган), таҳлилий психология вазифаларидан келиб чиқиб Юнг ўзини *конструктив* ёки *синтетик* услубини илгари суради. Онгсизлик маҳсулини таҳлил қилишдаги руҳий таҳлилий ёндашув редукция орқали амалга оширилади, яъни болалик хотиралари элементлари ва жараёнларидан келтиб чиқади. Бу хотиралар инсон психикасига жиддий таъсир кўрсатади. Оқибатда буларнинг

⁸ Ўша асар. –Б. 77.

хаммаси инфантил (суст) хирсий майлга бориб тақалади. Онгсизлик маҳсули бунда ўрганилаётган жараённинг симптоми ёки белгиси сифатида қаралади. Конструктив тадқиқ услубининг моҳияти ва онгсизлик маҳсулини ишлови шундаки, онгсизлик материали тимсолнинг ифодаси сифатида кўрилади. Бу руҳий ривожнинг қандай кечаётганлигини кўриш имконини беради. Шундай қилиб, таҳлилий психологияда онгсизлик каёққа интилаётганлиги ва мақсадини олдиндан билиш имконияти туғилади. Бундай маънодаги юнгча конструктив услуб онгсизлик маҳсулини талқин қилиш орқали онгсизлик жараёнларининг умумий йўналишини аниқлаш мумкин бўлади.

Кўриб турганимиздек, юнгча конструктив ёндашув руҳий таҳлилий услубдан тубдан фарқ қилади. Бунда швейцариялик руҳшунос В.Дильтейнинг шарҳловчи психологиясидаги айрим ғояларни ривожлантиради. Бу Фрейднинг руҳият таҳлили концепциясида ўз аксини топмаган. Юнг В.Дильтей сингари онгсиз руҳий жараёнларни мақсадли йўналганлиги ҳақида гапиради⁹, яъни, унинг конструктив услуби онгсизлик маҳсулини талқин қилишда дастлабки асосни очишга эмас, балки мақсадга мувофиқ мазмунни аниқлашга қаратилган. Бироқ, Юнг онгсизликка бундай тадқиқий ёндашувида ўз диққатини объектга эмас, субъектив кўникмага (установкага) қаратади. Бундай онгсизликни тадқиқ қилишдаги ўзига хослик онгсизлик маҳсулининг тимсолий мазмунини аниқлайди ва субъектнинг бўлажак кўникмасига бевосита таъсир қилади. Бу эса инсон руҳиятининг мақсадга мувофиқлигини аниқлатади.

Демак, инсоннинг тимсолий мақсадини аниқлаш таҳлилий психологиянинг асосий вазифасидир. Бу Юнгга кўра нимадан иборат бўлади? Бу саволга жавоб бериш учун, тимсолларни у қандай тушунади - шуни аниқлаш зарур. Тимсол объектив мавжудликни инъикос этиш воситасими ёки ташқи дунёдан ҳоли бўлган инсон руҳиятининг маҳсулими?

Швейцариялик руҳшуноснинг фикрига кўра, тимсол шахсий асосдан келиб чиқмайди (масалан, Фрейднинг руҳий таҳлилига кўра, индивидуал хирсийликдан), балки инсоният зотида сақланиб қолган архаик қолдиқдан келиб чиқади. Шу маънода у таъкидлайди, “инсон ўзи билан доим инсониятнинг бутун тарихини кўтариб юради”¹⁰. Ўтмишнинг таъсири Юнг учун инсон руҳиятининг меросий маҳсули бўлиб, “жамоавий онгсизлик”ни биологик мерос қилиб олган материалдир. Улар инсон қалбида архаик шаклда, априор тарзда мавжуд бўлади ва тимсол сифатида намоён бўлади. Кант “Соф ақлнинг танқиди” номли асарида онг асосида тажрибага берилган ҳиссиётнинг априор шакллари мавжудлигини исботлашга ҳаракат қилган бўлса, Юнг ана шу кантча тезисга кўра, уни бутун инсон руҳиятига татбиқ қилади. Бу унинг тасаввурига кўра, бошидан *tabula rasa* (жинс қойдаси) эмас, балки мерос қилиб олинган схема ёки “архетип”,

⁹ Қаранг: Дильтей В. Описательная психология. –М., 1960. –С. 61.

¹⁰ Юнг К.Г. Психологические типы. М., 1982. –С. 18.

“образ”, “ғоя”ларнинг асосидир, улар ривожланиб муайян символларга айланади.

Маълум маънода инсон руҳиятининг мерос ғояларига З. Фрейд ўз концепциясида асос солган эди. Унинг фикрича, мерос ғоялари таъсирида инсоннинг ҳаётий тажрибаси муайян тартибда давом этади. Яъни, улар цивилизациялар қолдиғидир.

“Эдип комплекси, - деб таъкидлайди Фрейд, - гўдакнинг ота-онага бўлган муносабати, ана шу ғоялар каторига киради. Шу турдаги ҳодисага яққол мисол бўлади”¹¹. Фрейд ўзининг кейинги асарларида “ўтмишнинг архаик мероси”¹² ҳақида гапирди. Дарҳақиқат, бу ғоя Юнгда онгсизлик “архетипларини” таҳлил қилаётганда кенгроқ қамровда кўрилади. Лекин “архетипларни” ахтариш руҳий таҳлил негизида пайдо бўлган. Айрим тадқиқотчиларнинг хулосасига кўра, “архетип” тушунчасининг келиб чиқиши, психия концепциясидан бошланади. Бу Фрейднинг илк ижодида катта аҳамиятга эга бўлган¹³.

Тимсолларнинг табиати ва “архетиплар”нинг мазмунини оча туриб, “Тимсол (образ)”, “қадимий образ”, “дастлабки образ”, “ғоя” - тушунчалари Юнг таълимотида турли функцияларни бажаради: айрим ҳолларда улар бир хил бўлади, баъзида эса уларнинг ҳар бири ўзига хос хусусият касб этади. Масалан, “образ”ни юнгча тушуниш, маълум маънода гегелча талқинга ўхшаб кетади – Юнгда онгсизлик образлари символларга айланади ва онгда символ кўринишида намоён бўлади. Юнгнинг ёзишига кўра, у ўсган “интеллектуал дунёда”, гегелча тафаккур ҳеч қандай аҳамиятга эга бўлмаган, зотан гегелча “тушунарсиз тил”, худди М.Хайдеггер каби тушуниш учун мураккаблик қиларди¹⁴. Гарчи Гегелда ўз моҳиятига кўра, образ объектив бўлса, у идеалистик талқин қилинган ҳолда ҳам реал борлиқнинг инъикоси сифатида намоён бўлади. Юнгга кўра, образ объектив дунёнинг инъикоси бўлмайди. “Руҳият таҳлили”да диққат-эътибор ташқи дунёга эмас, ички мавжудликка қаратилади. Образ тушунчаси деганда, у “ташқи дунёнинг руҳий инъикосини эмас, балки *фантазия образини* тушунади, бу ташқи объектни қабул қилишда билвосита иштирок этади”¹⁵. Бу шундан иборатки, юнгча “образ” *ўзининг мавжуд бўлишига, келиб чиқишига кўра субъективдир*. Бу ҳол руҳият таҳлил ҳолатига тўлиқ мос келади. Демак, субъективлик инсоннинг руҳиятнинг мавжуд бўлишида ҳал қилувчи ролни ўйнайди.

Афсонавий мотивлардан келиб чиқадиган архаик хусусиятга эга бўлган тимсолларни (образлар) Юнг “қадимий” ёки “дастлабки образлар” деб атайди. Айнан ана шу образлар “архетип” тушунчаси орқали ифодаланади. Бу ҳамма даврлар, халқлар ва одамларга хос бўлиб, бутун инсоният хотирасининг жамоавий қолдиғи сифатида намоён бўлади.

¹¹ Фрейд З. Психоанализ детских неврозов. –С. 196.

¹² Freud S. *Mosses and Monotheism*. –P. 157, 159.

¹³ Proff I. *The Death and Rebirth of Psychology*. –N.Y., 1956. –P. 140.

¹⁴ Jung C.G. *Letters Selected and ed. by G. Adler in collab. with A.Jaffe. Vol.2.* -New Jersey, 1975. –P. 501.

¹⁵ Юнг К.Г. Психалогические типы. –С. 91.

Унинг табиати – “жамоавий онгсизлик”дир. Худди шу маънода ўтмиш, ҳозирги ва келажак авлодлар умуминсоний борлиқни ҳаётий жараёнлар асосида бирлаштирувчи сифатида ирода этади.

Юнг “ғоя”ни “дастлабки образ”дан фарқлайди. “Ғоя” “дастлабки образ” асосида тафаккур элагидан ўтиб пайдо бўлади. “Ғоя” тушунчасини Юнг жамоавий образларни шарҳлаш учун қўллайди, чунки улар ҳиссиётдан маҳрум бўлиб, афсонавий ранго-рангликдан бебаҳрадилар. Аниқроқ қилиб айтганда, “дастлабки образ”да мужассамлашган афсонавийлик қатламларидан мавҳумлашиб, умумий кўринишга эга бўлган. Лекин тушунчаларнинг шаклланиши Юнгда қатъий мантикийлик ва кетма-кетликка бўйсунмаган. Натижада “қадимий образ”, “дастлабки образ” ва “ғоя”ларни талқин қилишда икки хил мазмун, ноаниқликлар келиб чиқади¹⁶.

Фалсафий анъаналарни бузган ҳолда Юнгнинг “ғоя”си икки хил табиатга эга бўлади. (Афлотуннинг “эйдос” ёки “ғоя”лари нарсаларнинг ҳиссий дунёсининг биринчи тимсоли, сабаби ва моҳиятини ифодалайди. И.Кантда ғоя трансцендент моҳият сифатида намоён бўлади ва бу ҳар қандай тажрибадан ташқаридадир). Бир томондан, “ғоя” мавҳумликни ташкил қилса ва у Юнг учун иккиламчи аҳамиятга эга, у соддарок элементдан келиб чиқиб ривожланади. Иккинчи томондан, “ғоя” “дастлабки образнинг” муайян маъносини ифодалайди ва бу тимсолий тасаввурга эга бўлади, ички моҳиятидан иккиламчи хусусиятга эга бўла олмайди. Бошқа сўз билан айтганда, “ғоя” бир вақтнинг ўзида ҳам бирламчи, ҳам иккиламчи аҳамият касб этади.

Шу муносабат швейцариялик психолог икки қарашни яъни, материалистик ва идеалистик оқимни қўшмоқчи бўлади. Ваҳоланки, “ғоя”нинг бирламчилиги ва иккиламчилиги Юнг томонидан фалсафанинг асосий масаласи нуқтаи назаридан кўрилмайди, балки онгсизлик “архетип”ларини рационал ишловдан ўтгандан сўнг инсоннинг тимсолий фаолиятини очишда қўллаш учун зарур бўлади. Юнгнинг асосий фалсафий масаласи олдиндан ҳал қилиб бўлинган, зотан “ғоя” моҳиятидан, шаклидан эмас, асос берувчи, априор (тажрибагача мавжуд) бўлган, яъни наслий берилганликдир. Шу маънода Юнг идеалистик оқим тарафдори бўлади.

Онгсизликнинг образлари, “ғоя”лари, “архетип”лари Юнг фикрига кўра, турли символлар шаклида намоён бўлади. Символик ифодаланган “архетип”ларнинг мазмуни мушоҳада юритувчи онгнинг кўникмасига боғлиқ. Унинг яширинган символик мазмунини Юнг субъектнинг мақсадий кўникмасини аниқлаш билан боғлайди. Бу ўша индивид руҳияти мўлжал оладиган тимсолий белгиланган мақсаддир, уни расшифровка қилиш (ечиш) зарур. Бу жараёндаги асосий ролни *индивидуация* ўйнайди.

Юнг томонидан илгари сурилган индивидуация концепцияси инсонни замонавий маданиятдаги ўрни ва ролини аниқлаш билан, дунёдаги вазифасини бажариш билан, инсоний мавжудликнинг

¹⁶ Jung C.G. Letters. Vol. 2. –P. 460, 521.

индивидуал-шахсий ва умуминсоний қадриятлари билан, яхлит руҳий структуранинг ривожланиш имкониятлари билан боғланади. Мазкур концепция Юнг назариясининг марказий ядросини¹⁷ ташкил қилади. Чунки индивидуация жараёни швейцариялик руҳшунос тушунчасига кўра, шахс индивидуаллиги ривож – инсон руҳияти камолининг ҳам ибтидоси, ҳам интиҳосидир.

Шундай қилиб, индивидуация концепцияси замонавий жамиятнинг маънавий ҳаётини тушунишда ўзига хос таянч нуқтаси сифатида намоён бўлади. Юнгнинг аниқлашига кўра, ғарб цивилизациясининг моддий ютуғлари инсон руҳиятининг ривожига олиб келмади, аксинча, унинг ҳаётининг бўлиниб кетишига ва мувозанатнинг бузилишига йўл очиб берди. Ҳақиқатан ҳам моддий тўкинлик маънавий қашшоқлик ва ҳаётдан совушни келтириб чиқарди. Юнг худди шу ҳолатни аниқ илғаган. Унинг фикрига кўра, инсон ҳаётда қадрга эга бўлган таянчларини йўқотиб қўйди, худо тимсолида жамланган ички символларидан айрилади. Натижада ўзига хос маънавий вакуум ҳосил бўлди, бундан қутулиш учун эса инсон қалбидан келиб чиқадиган бошқа символлар билан тўлдириш зарурати туғилади. Замонавий инсон “қалбини излаш” билан овора, ҳаммадан ҳам олдин унга ўзлигини топишга, мутаносибликка эришишига ёрдам бериш зарур. Бундай вазифани Юнг фикрига кўра, айнан “таҳлилий психология” бажаради. У ҳақиқий маънавий символларни аниқлаб беради ва улар индивид ҳаётининг мазмун, мақсадини кўрсатади. Бунинг учун онгсизлик символикасини эгаллаш зарур, шахснинг маънавий ижодкор кучларини амалга ошириш керак, инсоний мавжудликнинг асосий омилларини қайта баҳолаб чиқиш зарур. Замонавий инсонга ўз диққатини “фақат моддий нарсаларга қаратмасдан, ўзнинг шахсий субъектив жараёнларга эътибор бериши зарур”¹⁸.

2. Карл Юнгнинг ижоди ва “таҳлилий руҳият” концепцияси

Карл Густав Юнг (1875-1961) «руҳиятшунослик таҳлили»га ҳам асос солди. У ўз қарашларини назарий ривожлантиришда клиник амалиёт ҳамда фалсафий таълимотларга таянди.

Юнг онгсизликни талқин қилишда «архетип» деган тушунчани киритади. «Архетип» деганда у бутун инсоният авлодига оид энг умумий бўлган, ички-имманент хусусиятларни тушунади. ««Архетип» - шундай символик-тимсолий формулаки, англомаган ҳолатда ишга тушади ва ҳеч қачон англомайди», - дейди Юнг ўзининг «Психологик типлар» номли китобида.

¹⁷ Юнг К.Г. Воспоминания, сновидения, размышления. –Минск: Харвест, 2003. –С. 235.

¹⁸ Jung C.G. Modern Man in Search of a Soul. –P. 237.

Бошқача сўз билан айтганда, юнгча «архетип»лар инсон ҳолатининг шаклий тимсоларидир ёки мажозий андозаларидир. Улар асосида аниқ мазмунга эга бўлган образлар шаклланади. Инсон ўз ҳаёти фаолияти давомида бу тимсолларга таянади. Юнгни «архетип»лари инсон руҳиятининг энг тубида ётган руҳий кечинмалардир, улар нафақат алоҳида индивиднинг, балки бутун инсониятнинг кўп мингйилликлар давомида олиб борган ҳаётга мослашуви ва кураши натижасида шаклланган. Бундай архетип тимсоллар ўзида қадимий руҳий мазмунни сақлаб қолади. Қизиғи шундаки, Юнг уларни фақат инсон борлиғигагина эмас, балки бутун тирик мавжудотга тегишли дейди. Шундай қилиб, «архетип» Юнгда руҳий ходиса-феномен сифатида намоён бўлади.

«Психологик таҳлил»нинг яна бир марказий тушунчаси бу – «жамоавий онгсизлик»дир. «Жамоавий онгсизлик» ўз ичига мозийга айланган - инсоният хотиралари ирқий, миллий тарихни, ҳаттоки инсониятгача бўлган ҳайвоний мавжудликни ҳам қамраб олади. Бу бутун ирқ ва халқларга тегишли бўлган умуминсоний тажрибадир. Айнан «жамоавий онгсизлик» олим фикрича ҳамма «архетип»лар мужассамлашган манбадир.

Карл Густав Юнг 1875 йил Швейцарияда туғилди. Унинг ота томонидан бўлган ҳамма қариндошлари черков хизматкорлари бўлиб, у ёшлигидан кальвинчилар анъаналари руҳида тарбияланади. Ўзининг таржимаи ҳолида К.Юнг шундай ёзади, дин унинг ўсмирлик тасаввурларида катта аҳамиятга эга бўлган. У жуда ёшлик чоғиданоқ худо ҳақида, унинг яратувчилиги тўғрисида мушоҳада қилади, “Худо ҳар қандай бахс-мунозарадан ташқари бўлган, бевосита кечинмаларидан”¹⁹, - иборатлигини таъкидлайди у. Диний муҳит Юнг дунёқаришига катта таъсир кўрсатади, кўп жихатдан кейинги ижодида, касбий қизиқишларида, тадқиқий изланишларида белгиловчи аҳамиятга эга бўлади. Шундай бўлса ҳам оилавий анъаналарни бузиб, тиббиёт йўлини танлайди.

Юнгнинг психиатрияга мурожаат қилиши тасодифий эмас эди. У гимназияда ўқиб юрган чоғлариданоқ, онасининг кутубхонасида мавжуд бўлган Афлотун, И.Кант, А.Шопенгауэрнинг асарларини ўқиб чиқади, улар ғоялари билан танишади, талабалик даврларида эса Э.Гартманнинг ижодини жуда катта қизиқиш билан ўрганади. Шунинг учун ҳам касбий мутахассисликни танлаш вақти келганда, у ҳеч иккиланмай психиатриyani танлайди. Айнан шу ерда тиббиётни фалсафа билан бирлашган нуқтасини топишга ҳаракат қилади.

К.Юнг 1900 йилда Базел университетининг тиббиёт факультетини тугатиб, Цюрих шаҳридаги психиатрия шифохонасида иш фаолиятини бошлайди. Шахснинг иккига ажратиш ҳодисасини ўргана туриб, онгсизлик муаммосига яқинлашади. Бу даврда онгсизлик ҳақида чуқур ишланган илмий назария деярли йўқ эди. А.Шопенгауэр ва Э.Гартманнинг ғоялари эса конкрет клиник материалларни очиб бериш учун жуда мавҳумлик

¹⁹ Юнг К.Г. Вспоминания, сновидения, размышления. –Минск: Харвест, 2003. – С. 73.

килар эди. Шу сабаб уни бевосита қизиқтирган масалага ойдинлик киритишга ожизлик қилади.

Шу даврда, яъни 1900 йилда нашр этилган З.Фрейднинг “Тушлар таъбири” номли асари Юнгнинг кўлига тушади. Сиқиб чиқариш назарияси онгсиз рухий фаолият маҳсулининг тимсолий талқини Юнгни жуда қизиқтириб қолади. Шундан сўнг у рухий таҳлил ғояларининг энг фаол тарғиботчисига айланади. 1907 йилда Юнг З.Фрейд билан шахсан танишади, айнан шу танишув уларнинг кейинги ҳамкорлигига йўл очиб беради. Фрейд Юнгда ўзининг иқтидорли шогирдини кўриб, унга катта умид боғлайди ва руҳият таҳлили ҳаракатининг бўлажак етакчиси сифатида тасаввур қилади. Бироқ 1913 йилда узоқ давом этган баҳсу мунозаралардан, бесамар келишувлардан сўнг Юнг Фрейддан ва унинг сафдошларидан кескин узоқлашади ва ўзининг психологик концепциясини ишлаб чиқишга қатъий бел боғлайди. Руҳият таҳлилига зид равишда, ўз таълимотини “Таҳлилий (аналитик) психология”, - деб атайти.

Юнг қатъий қарорга келиб, ўз йўлини танлаб олиши, мустақил мактабини тузиши илгариги руҳият таҳлилининг қатор фундаментал асосларини қайта кўриб чиқишдан бошланади, жумладан, уларга либидонинг табиати, онгсизлик тузилмаси, шахс ривожининг даврлари ва қатор бошқа фактлар киради. У Фрейднинг руҳиятдаги хирсий ва патологик жиҳатларини бўрттириб юборганлигини, маданиятни сиқиб чиқарилган хирсийликнинг маҳсули сифатидаги талқинини, диннинг асл табиатини тўғри тушунмаганлиги ва бошқаларни танқид қилади. Лекин бу ажралиш ўртасида жуда чуқур хусусиятга эга бўлган дунёқараш ётар эди. Юнгга руҳият таҳлили асосчисининг “илмий материализми” бутунлай бегона эди. Бундай фалсафий қараш уни бутунлай қониқтирмайти. Фрейднинг баъзи бир атеистик қарашлари ҳам унга бегона бўлади. “Мен, - деб ёзади Юнг ўз назариясида, - бу масалада ҳамма динларга нисбатан ижобий қадрият сифатида қарайман”²⁰. Шундай қилиб, Юнг Фрейдни “ўнг” томондан танқид қилади ва ўз таълимоти асосига нораціоналликни кўяди.

3. Карл Юнг таълимотида шарқ маданиятининг иррационал талқини ва унинг ғарб маданияти билан муштараклиги

XX аср бошларида руҳият таҳлили оқим сифатида ривожланди. Бу оқим асосчиси Зигмунд Фрейд бўлса, кейинчалик уни ўзининг “таҳлилий руҳият” билан Карл Юнг давом эттирди. Дарҳақиқат, шуни таъкидлаш лозимки, К.Юнг таржимаи ҳоли билан З. Фрейд таржимаи ҳолида бир қанча ўхшашликлар мавжуд: олим Базел университетининг медицина факультетида ўқиган, 1905 йилда Цюрих психиатрия клиникасида Блейер раҳбарлигида ишлайди, кейин Цюрих университетида приват-доцент

²⁰ Jung C.G. Modern Man in Search of Sorel. –London, 1970. –P. 137.

лавозимини эгаллайди. 1907 йилда Фрейд билан танишади, 1909-1913 йилларда Халқаро руҳият таҳлилчилари жамиятининг президенти бўлади. 1913 йилда З. Фрейд билан алоқани узади, ўқитувчиликдан ҳам воз кечади. 1916 йилда мустақил равишда “Руҳиятшунослик клуби”ни ташкил қилади. 1920 йилдан саёҳатга чиқади. Африка, Америка ва Осиё мамлакатларида бўлади. У Жазоир, Тунис, Сахара, Мексика, Кения, Ҳиндистон ва Цейлон бўйлаб кезиб чиқади. 1933 йилда Карл Юнг Халқаро психотерапевтик жамиятнинг президенти бўлади. 1948 йилда Швейцарияда Юнг институти ташкил қилинади. Демак, унинг ишлари жаҳон руҳиятшунослари – файласуфлар, психологлар, социологлар, тарихчилар томонидан эътироф этилади.

К.Юнг руҳият таҳлили иккига бўлинади. Олимнинг руҳият таҳлили *ассоциатив экспериментлар* техникасига асосланади. Унинг мазмуни перцепция, апперцепция, ассоциация тушунчаларининг, шаклланиши ва психиканинг марказий ҳаракатини ташкил қилади. Бу техниканинг мазмуни шундаки, мижозга сўзлар йиғиндиси англантилади, мижоз таклиф қилинган сўзларга ўхшаш ёки ассоциатив яқин бўлган сўзларни топади; бунда жавоб тезлигига ва ташқи таъсирлантирувчиларга диққат қаратилади. Бундай эксперимент натижалари тадқиқ қилинувчининг “комплекс”ларини билишга ёрдам беради. К.Юнгнинг чуқур руҳият таҳлили эса *жамоавий онгсизлик архетиплари* концепцияси билан боғланади, яъни *инсон руҳиятини* ташкил қилади.

Юнгнинг ўзи жамоавий онгсизлик ҳақидаги гипотезасини Фрейднинг охириги ишларида учрайдиган “Олий-Мен” тушунчаси билан боғлиқлигини эслатади. Лекин улар ўртасида фарқ мавжуд: Фрейднинг “Олий-Мен”и – бу Мен “идеал”идир. У инсонни назорат қилади, эдип комплекси меросхўридир; биология ва инсоният тарихининг қаймоғидир, у инсон руҳиятида “динга, ахлоққа ва ижтимоий ҳиссиётга” айланган. Лекин энг асосийси уларнинг йиғиндиси инсон руҳияти *идеалини* ташкил қилади. К. Юнг дин ва ахлоққа ўтказилган (сублимация) инсон хирсийлигига диққат қилмайди. Уларнинг иккисини ҳам, олим “бевосита руҳга берилганлик” деб қабул қилади, “табиатнинг архаик билими” натижаси, “қалб” йиғиндиси, “ички ва ташқи ҳаёт” тажрибаси, тимсолий шаклнинг ифодаси, дейди. Юнг фикрига кўра, “... бизнинг руҳиятимиз ўзининг кетидан тимсоҳ каби узун думини судраб юради, бу индивидуал уруғ, миллат, Европа ва бутун инсоният тарихидир”²¹. Юнгнинг “жамоавий онгсизлиги” объективлашган маданиятни билиш (англаш) эмас, индивид “орқасидаги тарих” эмас, балки – бу “бутун инсониятнинг хусусиятидир, у умумий тарзда намоён бўлади”²². Юнгга кўра, жамоавий онгсизлик индаллосидан тимсолий-ҳиссий шакл сифатида намоён бўлади; шунинг учун ҳам у индивидга *бевосита ўз-ўзидан очилади*. Агар мисол келтирадиган бўлсак, бу ҳолат туш кўрганда намоён бўлади.

²¹ Юнг К. Аналитическая психология. СПб., 1994. –С. 55.

²² Ўша ерда. –Б. 31.

Юнг фикрига кўра, фрейдча онгсизликни тушунишдаги зиддият онгни онгсизликка сиқиб чиқарилишида яққол намоён бўлади, онг онгсизликка “ғарқ” бўлади. Шунинг учун Фрейд, Юнг таъбири билан айтганда рационализм позициясида қолади²³. Юнгда эса ҳаммаси аксинча. У телепатия ҳодисасининг реаллигига тўлиқ ишонади. Бундай жараён муайян даражада илоҳий-руҳий кучга эга эканлиги, яъни Шарқ файласуфлари бу ҳолатларни чуқур ўрганганлигини Карл Юнг тан олади ва унинг иррационал талқинини ишлаб чиқади.

Онгсизлик ҳақидаги ана шу фундаментал фарқ остида Юнг ўзининг инсон шахсининг индивидуаллашуви ҳақидаги концепциясини куради. Бу *ижтимоийлашув* концепциясига қарши туради. Олимнинг нуқтаи назарига кўра, инсон шахсининг шаклланиши “... ягона мавжудотни ўзига хос тузилиши ... жамоавий психологиядан ва умумийликдан фарқланиши”²⁴ жараёнидир.

Юнгнинг “жамоавий онгсизлик” тушунчаси ўзига хос идеал, илоҳий-руҳий ибтидони билдиради; бу идеал ибтидо руҳий пардага ўралган “олий онг”дир. У алоҳида инсон руҳиятига нисбатан чуқурроқ даражадаги реалликка эга. Бу мистика чегарасида турган руҳ онтологиясидир. Демак, у Шарқ маданияти тажрибасига, унинг иррационал талқинига мурожаат қилгандан сўнг шундай хулосага келади. “Биз шарқ қадриятларига ичкаридан кириб боришимиз зарур, - деб таъкидлайди К.Юнг, - ташқаридан эмас; уларни онгсизликдан қидиришимиз керак”²⁵. Гап фақат, шарқона инсон маданиятининг “интровертлик” руҳиятида эмас, унинг “қалб”га йўналтирилганлигида ҳам эмас, унга қарама-қарши бўлган онги “ташқи дунё”га қаратилган ғарбона экстриверт инсон маданиятида ҳам эмас. Асосий фикр шундаки, Шарқона инсон интровертлиги – бу ўз-ўзини инъикос қилиш эмас (яъни, ўз “Мен”и таҳлили): “...шарқ инсони учун онгни “Мен”сиз тасаввур қилиш қийинчилик туғдирмайди”²⁶. Шарқона онгга хос бўлган ана шу *тасаввурни* Юнг “бизнинг “руҳ”имизга айнан хос бўлмаган руҳ”²⁷, - деб атайди. Масалан, юқори йогадаги *самадха* ҳолатига ўз “Мен”идан бутунлай воз кечиш йўли орқали эришиш мумкин. Бу ўз шахсини юқори руҳий ибтидода яъни, “Ягона”да сингиб кетишини билдиради. Бу Спиноза концепциясидаги Худони, Гегел *фалсафасидаги Мутлоқ руҳни эслатади*. “Ягона” индивидуал онгдан “ташқарида” эмас (яъни христиан динидаги “стандарт” бўлган “самодаги” Худо эмас, Керкегорнинг ҳам Худоси эмас ёки К.Маркснинг тарихий материализмдаги “жамият”и ҳам эмас), биринчиси ибтидосидан иккинчисини тақозо қилади. Ана шу шарқона “Ягона” билан Юнг ўзининг “жамоавий онгсизлиги”ни талқин қилади. “Шундай маънодаги “жамоавий

²³ Юнг К. Аналитическая психология. СПб., 1994. –С. 15.

²⁴ История зарубежной психологии. –С. 169.

²⁵ Юнг К. О психологии восточных религий и философий. –М., 1994. –С. 106.

²⁶ Ўша ерда. –Б. 108.

²⁷ Ўша ерда. –Б. 108.

онгсизлик” тушунчаси *Будҳанинг* европача эквивалентидир, у нурланган руҳдир”²⁸, - деб қайд қилган эди у.

Онгли “Мен” идеал руҳий жараён билан тана ўртасидаги воситачи сифатида намоён бўлади; бу “яримфизиологик” ҳолатдир. Илоҳий руҳиятнинг бундай қатламини эгаллаш Шарқда истак-хоҳишлардан воз кечиш орқали амалга оширилади, Ғарбда эса ирода кучига таянилади. Булар негизда зиддиятли кўникмалар ётади: ирода – хоҳиш-истакларни *жиловлайди*; хатха-йога машқлари орқали руҳиятнинг қуйи қатламларига шундай ишлов бериладики, натижада улар юқори онгга ўтишга тўсик бўлмайдилар. Ғарбона инсон медитацияни ирода ва диққатни ўз “Мен”ига жамлаш сифатида тушунади. Шарқона медитация эса “фикр концентрацияси”сиз амалга ошади – у ҳеч нарсага йўналтирилмаган. “Чунки унда марказнинг ўзи йўқ, - деб ёзади олим, - онг шундай парчаланиб кетадики, у бевосита онгсиз ҳолатга яқинлашиб қолади”²⁹. Онгсизлик Шарқ фалсафасининг асос негизини ташкил қилади. Бироқ, истак-хоҳиш орқали руҳият таҳлили – онглилик сари бораверади.

Ғарбда дин, худди ғарбча маданият сингари экстраверт хусусиятга эга. Буни қонуниятли равишда европача насронийликнинг эволюциясида протестанликка оғишда кузатиш мумкин: “Ҳозирги кунда насронийлик дунёга, унинг неъматларига нисбатан душманларча ёки бепарво муносабатда бўлади, деган фикр ҳақоратдек туюлади. Аксинча, эзгу ниятдаги насроний – ҳаётдан мамнун бўлган бюргердир, тадбиркор диллер, аъло аскар, ўз касбининг яхши мутахассисидир. Дунёвий неъматлар насронийликнинг яхши хулқи учун берилган мукофот сифатида қаралмоқда”³⁰.

Юнг фикрига кўра, айрим ҳоллардагина европача инсон онгида, кутилмаганда афсонавий тимсолнинг “архаик материали” учраб қолади, бу ғарб маданиятига бутунлай бегонадир, лекин Шарқ маданияти учун табиий холдир. Бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, ғарбча инсон руҳиятининг тубида қандайдир *Универсал-Ягона, руҳий матрица* “жамоавий онгсизлик” яширинган. У “ўз табиатига кўра яратувчи хусусиятга эга, тафаккур шаклларининг туғулиш жойидир, бунинг маъноси шуки, бизнинг фикримизни универсал руҳга қиёслаш мумкин”³¹. Демак, оламни яратувчи Худодир. Унинг барча нарсани содир этишга, ўзгартиришга мутлақо ҳаққи бордир.

Бу Олам руҳининг ўзи *шаклга эга эмас*, лекин ундан онгсизликнинг ҳамма шакллари туғилади, улар “ҳеч қандай вақт ва маконга бўйсунмайди, у абадий бўлганлиги учун, онгда амалга ошаётганда замондан устундек туюлади”³². Бу бир шарпа, холос.

²⁸ Юнг К. О психологии восточных религий и философий. -С. 108.

²⁹ Ўша ерда. –Б. 146.

³⁰ Ўша ерда. –Б. 113.

³¹ Ўша ерда. Б. 117.

³² Ўша ерда. Б. 117.

Шундай қилиб, онгсизлик соҳасида энг умумий равишда ўзаро алоқа мавжуд. Унинг ичига кириш орқали инсонда “трансцендентал ҳиссиёт” уйғонади, шунга кўра биз “Ягона руҳ”га йўл оламиз, ўз-ўзимизни озод қилиш ҳолатига эришамиз. “Ягона” – бу ҳурлик ва озодлик демакдир. Шу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президенти академик Ислон Каримовнинг, “*Якдил ва ҳамнафас бўлайлик. Нечоғлик мураккаб бўлмасин, биз кечираётган ҳаётнинг яхши фазилатлари жуда кўп. Бунинг учун Оллоҳга шукрона айтмоқ жоиздир*”³³, - деган доно фикрлари Шарқ маданиятининг иррационал талқинига ёрқин мисолдир.

Европа маданиятида ана шундай қобилият йўқотиб қўйилганлиги туфайли “руҳ кризиси”га олиб келди; Ғарб инсони ўзининг асосидан, илдизидан бегоналашган, ўзининг руҳий моҳиятидан ажралиб қолган, у ғоялар қалбида бўлса ҳам ташқи мақсадларга интилган эди. “Шарқда ички инсон ташқи инсон устидан ҳукмронлик қилади, шунинг учун ҳам дунё уни ички негизидан ажратиб ололмаган; Ғарбда эса ташқи инсон биринчи даражага ўтиб олган, шунинг учун ҳам ўзининг ички моҳиятига бегона бўлиб қолган. Ягона Руҳ, ягоналик, ноаниқлик, яхлитлик ва абадийлик Ягона Худо тимсолига яшириниб олган. Инсон майда мавжудотга айланиб, ўз юмушларига кўмилиб кетди”³⁴. Дарвоқе, Шарқ маънавий, маданиятида, ахлоқ-одоб ва умуман диний қарашларида, айниқса Ислон динида бир зум ҳам Ҳақ таола – Худони унутиш, “ўз юмушларига кўмилиш” сира ҳам кўзга ташланмайди. Шу жиҳати билан ҳам Ғарб файласуфи Карл Юнг *Шарқ фалсафаси донишмандлигига* мурожаат қилганлигини таъкидлаш жоиз.

Юқорида айтилган фикрлардан, муайян даражада руҳиятсиз “чириган” ғарб маданиятидан воз кечиб, шарқона медитациядан паноҳ топиш керак, деган хулосага келиш мумкин. Лекин Юнг бундай кескин хулосага келмай, балки икки буюк маданиятнинг “бир ёқламалигини” таъкидлайди: “Улардан бири онглилик оламига етарли баҳо бермайди, бошқаси – Ягона Руҳ - якдиллик дунёсини инобатга олмайди. Натижада иккиси ўзининг максимализми орқали, яхлитликнинг иккинчи ярмисиз қолади; уларнинг ҳаёти яхлит мавжудликдан айрилиб, сунъий, инсонсиз бўлиб қолади”³⁵.

Шунинг учун руҳият таҳлили фрейдча бўлиб, *европача маданиятнинг руҳий ривожини ифодалади; интеллектнинг ҳукмролигини бир оз бўлса-да чекинтирди, руҳни ақлга нисбатан юқорироқ, кенгроқ талқин қилди*, деган хулосага келди Карл Юнг. Олимнинг қатъий фикрига кўра, Шарқни тўлиғлигича қабул қилиш ҳам хатоликка олиб келади: “Мени буюк Шарқ файласуфлари қанчалик ҳайратга солса, уларнинг метафизикаси шунчалик руҳлантормайди. Мен уларни тимсолий руҳшунос эканлигига шубҳа билан қарайман. Уларни айнан қабул қилиб бўлмайди, улар билан ҳазиллашиб ҳам бўлмайди. Улар назарда тутган нарсани

³³ Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсий, мафкура. Т., “Ўзбекистон”. 1993. –Б 99.

³⁴ Юнг К. О психологии восточных религий и философии. С. 121.

³⁵ Ўша ерда. Б. 122.

метафизика деб бўлса, унда бундай тушунишнинг келажаги ҳам йўқ. Агар у психология бўлса, биз уни тушунамиз ва катта фойда оламиз, шунда бизга уларнинг “метафизикаси” тушунарли бўлади. “Қачон мен Худо мутлоқ ва ҳар қандай тажрибадан ташқарида, деб ўйласам, у мен учун бефарқ бўлиб қолади. Мен унга таъсир қила олмайман, у ҳам менга таъсир қила олмайди. Агар мен Худо буюк қудрат эканлигини билсам, у менинг қалбимда ҳукмронлик қилса, мен у билан ҳисоблашишга мажбур бўламан; шундагина у амалий жиҳатдан ҳам заруратга айланади ва реал тарзда намоён бўлади”³⁶. Худди шундай фикрни академик Ислон Каримовнинг “Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда” деган рисоласида ҳам шарқона рух нуқтаи назаридан ифода қилинган эди³⁷.

Шундай қилиб, хулосага келиш мумкинки:

- ғарб инсон психологияси орқали қуйидаги фикрга келади: “... мен яшамайман, мен орқали нимадир яшайди;

- онг иллюзияси: “Мен” яшаётганлигига ишонади. Агар иллюзия (сароблар) онгсизликнинг тан олинishi орқали бузилиб кетса, ана шу онгсизлик объектив бўлиб қолади;

- бу “Мен”га ҳам тааллуқлидир. Масалан, бундай ҳиссиётни апостол Павелдан ҳам топиш мумкин, яъни Мен яшамаяпман, лекин менда Исо яшаяпти, Ницшеда ҳам худди шундай. Имом ал-Бухорийда ҳам мен яшайман – менинг қалбимда Худо яшайди, Хўжа Аҳмад Яссавийда ҳам шундай ғоя мавжуд;

- бундай кечинма – “онгнинг эркинлашиши” натижасида пайдо бўлади ва “илоҳиётга тегишлилик” туйғуси туғилади. Худди шу туйғу Шарқ ва Ғарбни бир-бирига яқинлаштиради.

Хулоса

Карл Густав Юнг таълимотида Шарқ ва Ғарб файласуфлари қарашларини бир мунча ўрганиш асносида руҳият таҳлилига ва чуқур руҳий психология масалаларининг талқинини кўришимиз мумкин:

1. Чунончи, Карл Юнгнинг фалсафий қарашларидан асосан шундай тасаввур туғилиши мумкин, гўё Юнг шахснинг ривожини тан олиб, ғарбона индивидуализм тамойилларини ҳимоя қилгандек, ҳаётнинг ижтимоий тузилишига қаршидек бўлади. Аслида бундай эмас. Юнг инсонни жамиятдан ташқарида ривожлана олмаслигини жуда яхши тушунади, шунинг учун ҳам у ижтимоий нормаларга қарши қўйилиши керак эмас. Шундай йўл танлаши зарурки, ижтимоий нормаларга қўшилган ҳолда инсоннинг табиий ўз-ўзини ривожлантириши ҳам норма бўлсин. Замонавий ғарб маданиятида қачон инсоннинг индивидуал ривожини мутлоқлаштирилса, ижтимоий нормалар билан тўқнашув муқаррар равишда содир бўлади. Шахснинг бундай ривожини Юнг томонидан патология сифатида баҳоланади ва уни индивидуация билан ҳеч қандай

³⁶ Ўша ерда. Б. 213.

³⁷ Каримов И.А. Аллоҳ қалбимизда, юрагимизда. Т., 1999. “Ўзбекистон” нашриёти. –Б 64.

алоқаси бўлмайди. Инсоннинг ҳаётий жараёнини шаклланишида индивид билан жамият ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамловчи воситаларни топиш зарур.

2. Айти пайтда Карл Густав Юнгнинг фалсафий қарашлари ўзига хос ва ўзига мослиги билан ажралиб туради. Буни қуйидаги хулосада ҳам кўришимиз мумкин. Энг аввало, у шахсдаги онгсизлик омиллари – З.Фрейд қарашларига танқидий ёндашиб, уни тўлдиради, давр талаблари асосида бойитди. Иккинчидан кўплаб тушунчаларга мантиқий маъно-мазмун берди, уларга фалсафий тўн кийдирди, З.Фрейд таълимотини янада чуқурлаштирди, айти пайтда ўзлигини ҳам кўрсатди.

3. Албатта қайд қилиш керак, Карл Юнг назариясида, юнгча «архетип»лар инсон ҳолатининг шаклий тимсолларидир ёки мажозий андозаларидир. Улар асосида аниқ, мазмунга эга бўлган образлар шаклланади. Инсон ўз ҳаёти фаолияти давомида бу тимсолларга таянади. Юнгни «архетип»лари инсон руҳиятининг энг тубида ётган руҳий кечинмалардир, улар нафақат алоҳида индивиднинг, балки бутун инсониятнинг кўп мингйилликлар давомида олиб борган ҳаётга мослашуви ва кураши натижасида шаклланган. Бундай археик тимсоллар ўзида қадимий руҳий мазмунни сақлаб қолади. Қизиғи шундаки, Юнг уларни нафақат инсон борлиғигагина эмас, балки бутун тирик мавжудотга тегишли дейди. Шундай қилиб, «архетип» Юнгда руҳий ҳодиса-феномен сифатида намоён бўлади.

4. Юнг инсон руҳиятида «индивидуал» (якка) ва «коллектив (жамоавий) онгсизлик»ни бир-биридан фарқлайди. «Индивидуал онгсизлик»ни Юнг баъзида «шахсий», «персонал онгсизлик» деб ҳам атайти, бунда у алоҳида инсоннинг шахсий тажрибасини ифодалайди. Бундай онгсизлик қачонлардир онгли кечинмалар бўлган, лекин кейинчалик унутилганлиги ёки сиқиб чиқарилганлиги натижасида онгсизлик ҳолатига айланган. Бу ҳолат онг остонасида турган ҳамма индивидуал-шахсий кечинмаларни ўз ичига қамраб олади.

5. «Психология таҳлили»нинг яна бир марказий тушунчаси бу – «жамоавий онгсизликдир». «Жамоавий онгсизлик» ўз ичига мозийга айланган - инсоният хотиралари ирқий, миллий тарихни, ҳаттоки, инсониятгача бўлган ҳайвоний мавжудликни ҳам қамраб олади. Бу бутун ирқ ва халқларга тегишли бўлган умуминсоний тажрибадир. Жамоавий тузилманинг бундай онгсиз мазмуни Юнг фикрича, инсон руҳияти ва миясининг генетик-наслий тузилмасидан келиб чиқади. Аитан «жамоавий онгсизлик» олим фикрича ҳамма «архетип»лар мужассамлашган манбадир.

6. Таъкидлаш жоизки, унинг таълимотида Шарқ маданияти билан Ғарб маданияти муштарақлиги, яъни улар тажрибаси ва иррационал талқинига мурожаат қилиб, чуқур ўргангандан сўнг, шундай фикр билдиради. Шарқ маданияти ва қадриятларига ичкаридан кириб бориш зарур.

7. Асосий фикр шундаки, Шарқона инсон интровертлиги – бу ўз-ўзини инъикос қилиш эмас, шарқона онгга хос бўлган тасаввурни Юнг,

бизнинг “руҳ”имизга айнан хос бўлмаган руҳ - деб атайди. Бу ўз шахсини юқори руҳий ибтидода яъни, “Ягона”да сингиб кетишини билдиради. Ана шу шарқона “Ягона” билан Юнг ўзининг “жамоавий онгсизлиги”ни талқин қилади. Демак, “Ягона” – бу фақат Хитой фалсафасидаги Худонинг самовий (Осмон) куч-қудратга эгалиги, исломда эса самовий ва инсон руҳий-илоҳиётида “Ягона” Худонинг намоён бўлиши – Ғарб қарашларида ҳам ўзига хос тарзда акс этганлигини К.Юнг таълимотида муайян даражада кўришимиз мумкин.

8. Шундай қилиб, мутафаккир К.Г. Юнг назарияси ҳам Ғарб, ҳам Шарқ файласуфлари томонидан тан олингани ҳолда, ўзи ҳам Шарқ фалсафасига мурожаат қилган. XIX ва XX асрларда жаҳон фалсафаси қанчалик узвий равишда раванқ топмасин, ҳозирги глобаллашув шароитида бу тараққиёт янада юксалиб, Зигмунд Фрейднинг инсон фалсафаси талқини ўз эҳтироми ва эътирофини топмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2003.
а. -40 б.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. -176 б.
3. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2009. -24 б.
4. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз – келажак йўқ. –Т.: Шарқ, 1998. -32 б.
5. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. –Т.: Шарқ, 1998. -144 б.
6. Каримов И.А. Маънавий юксалиш йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 1998. - 480 б.
7. Каримов И.А. Донишманд халқимизнинг мустаҳкам иродалилигига ишонаман //“Фидокор”, 2000, - 8 июн.
8. Каримов И.А. Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт //Каримов И. Биз келажакимизни ўз кўлимиз билан қураимиз. -Т.: Ўзбекистон, 1999. –Т. 7. –Б. 274-292.
9. Каримов И.А. Миллий мафкура – давлатимиз ва жамиятимиз қурилишида биз руҳий маънавий куч-қувват манбаи // Каримов И. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2000. –Т. 8. –Б. 462-474.
10. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-том. – Т.: Ўзбекистон, 2000. -524 б.
11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. 11-том. -Т.: Ўзбекистон, 2003. -320 б.
12. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13- том. -Т.: Ўзбекистон, 2005. -448 б.
13. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий кадрят. 14-том. -Т.: Ўзбекистон, 2006. -280 б.

14. Юнг К.Г. Человек и его символы. –М.: СПб, Б.С.К., 1996. -454 с.
15. Юнг К.Г. Воспоминания, сновидения, размышления. –Мн.: ООО «Харвест», 2003. -496 с.
16. Юнг К.Г. Психология. Dementia praecox. –Мн.: ООО «Харвест», 2003. -400 с.
17. Юнг К.Г. О психологии восточных религий и философий. –М.: Медиум, 1994. -255 с.
18. Юнг К.Г. Миф и душа. Шесть архетипов. –Киев: Гос. Библ., 1996. -384 с.
19. Юнг К.Г. Аналитическая психология. Прошлое и настоящее. –М.: Мартис, 1995. -320 с.
20. Юнг К.Г. Психологические типы. –М.: АСТ: АСТ МОСКВА: ХРАНИТЕЛЬ, 2008. -761 с.
21. Юнг К.Г. Эон. –М.: АСТ: АСТ МОСКВА, 2009. -411 с.
22. Юнг К.Г. Символы трансформации. –М.: АСТ: АСТ МОСКВА, 2009. -731 с.
23. Юнг К.Г. Психология и алхимия. –М.: АСТ: АСТ МОСКВА, 2008. а. -603 с.
24. Юнг К. Г. Зигмунд Фрейд // Вопросы психологии. — 1996. — №2 — С. 86-103
25. Бассин Ф.В. Проблема «бессознательного». –М., 1968.
26. Бассин Ф., Рожнов В., Рожнова М. Фрейдизм: псевдонаучная трактовка психических явлений // Коммунист, 1972. № 2. –С. 94.
27. Гриненко Г.В. История философии. –М.: Юрайт-Издат, 2006. –688 с.
28. Димитров Х. Психоанализ и философия. –София, 1973.
29. Зотов А.Ф., Мельвиль Ю.К. Западная философия XX века. –М.: ПРОСПЕКТ, 1998. –432 с.
30. Зотов А.Ф. Современная западная философия. –М.: Высшая школа, 2001. –784 с.
31. Жаҳон фалсафаси тарихидан лавҳалар. (Тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров). –Т.: Шарқ, 2004. –472 б.
32. Йўлдошев С., Усмонов М., Каримов Р. ва бошқалар. Янги ва энг янги давр Ғарбий Европа фалсафаси (XVII-XX асрлар). –Т.: Шарқ, 2002. – 336 б.
33. Лейбин В.М. Психоанализ и философия неопрейдизма. –М.: Политиздат, 1977. 246 с.
34. Коплстон Ф. История философии. XX век. –М., 2002. –269 с.
35. Кузмина Т.А. Человеческое бытие и личность у Фрейда и Сартра//Проблема человека в современной философии. –М., 1969.
36. Курцин И.Т. Критика фрейдизма в медицине и физиологии. –М.-Л., 1965.
37. Рассел Б. История западной философии. –Новосибирск, 2001.
38. Раҳимов И. Фалсафа. (Қискача конспект). –Т.: Университет, 1998.
39. –156 б.

- 40.39.Уэллс Г. Павлов и Фрейд. –М., 1959.
- 41.40.Современная буржуазная философия и религия. –М.:Политиздат, 1977. –376 с.
- 42.41.Социология. –Т.: Шарқ, 2002. –650 б.
- 43.Фалсафа: комусий луғат. –Т.: Шарқ, 2004. –496 б.
- 44.43.Философия луғати. –Т.: Ўзбекистон, 1976. –640 б.
- 45.Философская энциклопедия. В 5-томах. Т. 4. –М.: Советская энциклопедия, 1967. –592 с.
- 46.45.Филофский словарь –Ростов н/Д: Феникс, 2004. –560 с. (Серия «Словари»).
- 47.Философский энциклопедический словарь. –М.: Советская энциклопедия, 1983. –840 с.
- 48.Шерозия А.Е. К проблеме сознания и бессознательного психического. Опыт интерпретации и изложения общей теории. –Тбилиси, 1973.
- 49.Холличер В. Человек и агрессия. –М., 1975.
- 50.Хрестоматия по истории философии (Западная философия). В 3 ч. Ч. 2. –М.: Гуманит изд., центр ВЛАДОС, 1997. -528 с.
- 51.Ғарб фалсафаси (Тузувчи ва масъул муҳаррир). –Т.: Шарқ, 2004. –720 б.
- 52.Ҳақиқат манзаралари. 96 мумтоз файласуф. –Т.: янги аср авлоди, 2002. -371 б.
- 53.Jung C.G. Analytical psychology: Its theory and practice (The Tavistock Lectures). –New York: Pantheon, 1968.
- 53.Jung C.-G. Speaking: Interviews and Encounters. –L. 1978. -348 p.
- 54.Jung C.-G. Psychology and religion. - Yale Univ. Press, 1967. -100 p.